

9 май - Хотира ва қадрлаш куни



#9_may

Термиз туманида "9 май – Хотира ва қадрлаш куни" байрами муносабати билан тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Бугун, туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ўқувчи-ёшлар ва кенг жамоатчилик иштирокида "Мотамсаро она" ҳайкали монументи пойига гуллар қўйилди.

Тадбир аввалида туман ҳокими Ш.Уринов сўзга чиқиб, бугунги тинч ва осуда кунларимиз учун жон фидо қилган фахрийларимизни хотирлаш ва борларини қадрламоқ лозимлигини таъкидлаб ўтди.




















Термиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати